



«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

Чирчиқ олимпия ва паралимпия захиралари коллежи директори

Гафуров Р.К.

2022 йил

Товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари:

Чирчиқ олимпия ва паралимпия захиралари коллежи учун
мўлжалланган ёстик жилдлари ва чойшабларни ювиш хизматларини
кўрсатиш.

Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

Танлаш комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган:

Чирчиқ олимпия ва паралимпия захиралари коллежи

Тошкент – 2022 й.

МУНДАРИЖА

I. Танлаш бўйича иштирокчилар учун кўрсатмалар.

II. Танлашнинг нарх қисми.

Танлов ҳужжатларининг шакллари ва аризалари.

Ариза берувчи учун мезонлар.

I. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН КЎРСАТМАЛАР.

1	Умумий қоидалар	1.1	Бу қўлланма Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелидаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг “Харид қилиш тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда 3016 рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказилган буйруқларига асосан ишлаб чиқилган.
		1.2	Танлаш ўтказиш мақсади: Чирчиқ олимпия ва паралимпия захиралари коллежи учун мўлжалланган ёстиқ жилдлари ва чойшабларни ювиш бўйича хизмат кўрсатиш.
		1.3	Танлаш ўтказишнинг чегаравий қиймати 21 000 000сум
		1.4	Таклифда кўрсатилган нархлар чегаравий қийматдан ошмаслиги керак.
		1.5	Сотиб олинadиган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) учун техник топшириқлар ушбу ҳужжатнинг техник қисмида келтирилган.
		1.6	Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари - кундузги
2	Танлаш ташкилотчилари ва манзили	2.1	Танлаш ўтказиш Буюртмачиси Чирчиқ Олимпия ва Паралимпия захиралари коллежи (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) ҳисобланади. “Буюртмачи” манзили: Чирчиқ шаҳар, Чирчиқ 50 йиллиги шох кўчаси, 14-уй. “Буюртмачи”реквизитлари:Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги,Чирчиқ шаҳар Ғазначилик бўлинмаси. Ҳисоб рақами: 23402 000 300 100 001 010 Банк: Тошкент ш.МБ ББ ХККМ ИНН: 201 122 919

			ОКЭД: 85 320 Шахсий ҳисоб рақами: 100010860274197092600135001 ИНН: 200 946 067
		2.2	Масъул шахс: Атакулов Вахид Тел: +998 93 566 99 31
		2.3	Комиссиянинг ишчи органи, Чирчиқ олимпия ва паралимпия захиралари танлов комиссияси (кейинги ўринларда “Ишчи орган” деб юритилади) ҳисобланади. Манзил: Чирчиқ шаҳар, Чирчиқ 50 йиллиги шох кўчаси, 14-уй
		2.4	Танлов буюртмачи томонидан тузилган (камида етти аъзодан иборат) танлов комиссияси томонидан ўтказилади, у танлов учун вақтинчалик комиссия ҳисобланади.
3	Танлов қатнашчилари	3.1	Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. 4.2-бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.
4	Танлов ўтказиш тартиби	4.1	Танловда қатнашиш учун танлов иштирокчилари: а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус <u>etender.uzex.uz</u> ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини (юклаб) олиш; б) танловда камида бир йиллик тажрибага эга бўлган ушбу турдаги ишлар ва хизматларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар қатнашиши мумкин; в) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиш.
		4.2	Танловда қуйидаги қатнашувчиларга рухсат берилмайди: - Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган ташкилотларга; - “Буюртмачи” билан суд ёки бошқа келишмовчилик ҳолатида бўлган ташкилотларга; - Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида жойлашган; - Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд ташкилотларга; - Бир йилдан кам иш тажрибасига эга бўлган ташкилотлар; - Зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида тақдим этмаган ташкилотлар; - Иш ва хизматларни бажариш учун лицензия ва сертификатлар йўқлиги (агар иш тури махсус лицензияни талаб қилса).

			Юқорида айтиб ўтилган мажбурий ҳужжатлардан ташқари, иштирокчи ўзининг молиявий аҳволи, обрўси, иш тажрибаси ва бошқаларни ақс эттирувчи қўшимча маълумотли ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.
		4.3	<p>“Буюртмачи” қуйидаги ҳолларда танлов иштирокчисини таловдан четлатиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Иштирокчи буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собик мансабдор шахсига, ходимига тўғридан-тўғри ёки билвосита танловда ғолиб бўлиш учун ҳар қандай ҳаракатнинг бажарилишига таъсир қилиш мақсадида ҳақ тўлашни ёки ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни таклиф қилса; - Агар иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.
5	Танлов тили, ўлчов бирлиги	5.1	Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган танлов таклифи ва унга тегишли барча ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.
6	Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби	6.1	<p>Танлов иштирокчиси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир; - Иштирокчи фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга; - Иштирокчи таклифларни тақдим этиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган таклифни қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.
7	Бошқа шартлар	7.1	Танловда қатнашиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтириш бериш учун комиссия аъзоларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
		7.2	<p>Танлов комиссияси қуйидаги ҳолларда танлов амалга ошмади деб топиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Агар танловда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса; - Агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, танлов комиссияси танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли барча таклифларни рад этган бўлса.

II. ТАНЛАШНИНГ НАРХ ҚИСМИ.

1	Чегаравий қиймати	21 000 000 сўм
2	Молиялаштириш манбаи	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
3	Тўлов шартлари	Хизмат ҳақи шартнома тузилгандан сўнг, шартнома миқдорининг 30 % олдиндан тўланиши билан амалга оширилади. Яқуний тўлов 70 % тўлиқ маҳсулот етказиб берилгандан сўнг амалга оширилади.
4	Тўлов валютаси	Сўм - Ўзбекистон Республикаси валютаси
5	Бажариш, етказиб бериш муддати (хизматлар, ишлар)	2022 йил 31 декабргача

Олдиндан тўлов миқдори (%)

Кўрсатиладиган хизмат учун ҳақ шартнома тузилгандан сўнг, шартнома суммасининг 30% олдиндан тўланиши билан амалга оширилади.

Буюртма бўйича хизмат ҳақи имзоланган ҳисоб-фактура, бажарилган ишлар далолатномалари асосида тўланади. Актга ижро ҳужжатлари илова қилиниши керак.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) буюртмачи эҳтиёжларига мувофиқлиги (товар белгилари, Давлат стандарти, нав, товар номлари ва бошқалар)